Халқ депутатлари Ургут тумани Кенгашининг
ҚАРОРИ

141600, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Навоий шоҳ кўчаси, 104-уй, тел: 8(366) 483-05-99

2020 йил 18 апрель **№ 40 /4-сон**

Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Ургут тумани ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кўчаларга ва аҳоли пунктларига янги ном бериш ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини номини ўзгартириш тўғрисида

Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг таклифларини кўриб чиқиб, битта маҳалла фуқаролар йиғини номини ўзгартириш, 29 та янги ном бериладиган ва 1 ба номи ўзгартириладиган кўчалар ҳамда 2 та қонун талабларига зид аҳоли пунктларини номини ўзгартириш бўйича берилган таклифлар хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонунининг 9-моддасига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ маҳалла фуқаролар йиғини номини ўзгартириш, кўчаларга янги ном бериш ҳамда қонун талабларига зид аҳоли пунктларини номини ўзгартириш юзасидан маҳалла фуқаролар йиғинларининг таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни талабларига мос келмайдиган номи ўзгарадиган маҳалла фуқаролар йиғинива кўча, янги ном бериладиган кўчалар номи ҳамда қонун талабларига зид аҳоли пунктларини номини ўзгартириш иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосари - Оила ва маҳалла бўлими бошлиғи (Ф.Ахатов) бир ой муддат ичида 1 та маҳалла фуқаролар йиғини қайта номланиши, 29 та кўчага янги ном берилиши 1 та кўчанининг номини ўзгартирилиши ҳамда қонун талабларига зид бўлган 2 та аҳоли пунктларини номи ўзгартириш муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган барча (географик ном кўрсаткичларини алмаштириш, фуқаролар паспортларига, муассаса, корхона ва ташкилотларнинг муҳр ва штамплари ҳамда иш қоғозларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва бошқалар) ишларнинг сифатли бажарилишини таъминласин.

4. Туман статистика бўлими (Д.Турсунқулов) икки ҳафта муддатда номлари қонун талабларига мос келмайдиган 1 та маҳалла фуқаролар йиғини 29 та кўча, 1 та номи ўзгарадиган кўча ҳамда қонун талабларига зид бўлган 2 та аҳоли пунктларининг статистик кўрсаткичларига белгиланган тартибда зарурий ўзгартиришлар киритсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси С.Ахмедова зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Ургут
тумани Кенгаши раиси **М.Турдиев**

Халқ депутатлари туман Кенгашининг
2020 йил 18 апрелдаги /4-сонли
қарорига илова

Ургут туманидаги қайта номланадиган маҳалла фуқаролар йиғини ва кўча, номсиз кўчаларга янги ном бериш ҳамда қонун талабларига зид бўлган аҳоли пунктларини номини ўзгартириш тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Т/р	Маҳалла номи	Кўча номи	Кўчанинг тоифаси	Кўча рақами	Нечта МФЙ тегишли
1	“Гулистон”	АБДУРАУФ ФИТРАТ	Номсиз кўча	1	3
2	“Мазортепа”	АБДУРАУФ ФИТРАТ			
3	“Шодлик”	АБДУРАУФ ФИТРАТ			
4	“Рахматобод”	АБУ НАЗР САМАРҚАНДИЙ	Номсиз кўча	2	1
5	“Сўфи”	АМИР ШОҲМУРОД	Номсиз кўча	3	1
6	“Санчиқул”	АҲМАД ДОНИШ	Номсиз кўча	4	1
7	“Мирзақишлоқ”	БУЮК ТУРОН	Номсиз кўча	5	1
8	“Сўфи”	ВОҲИД АБДУЛЛАЕВ	Номсиз кўча	6	1
9	“Катта Торинжак”	ҒАВСУЛИ АЪЗАМ	Номсиз кўча	7	7
10	“Тўрткўл”	ҒАВСУЛИ АЪЗАМ			
11	“Чоштепа”	ҒАВСУЛИ АЪЗАМ			
12	“Хўжагузар”	ҒАВСУЛИ АЪЗАМ			
13	“Сой гузар”	ҒАВСУЛИ АЪЗАМ			
14	“Қуйи гузар”	ҒАВСУЛИ АЪЗАМ			
15	“Ўрта гузар”	ҒАВСУЛИ АЪЗАМ			
16	“Юқори Санчиқул”	ДАҲБЕД	Номсиз кўча	8	1
17	“Деҳқонобод”	ЁҒДУ	Номсиз кўча	9	1
18	“Мирзақишлоқ”	ЖОЗИБА	Номсиз кўча	10	1
19	“Қайнарбулоқ”	ЗИЁРАТГОҲ	Номсиз кўча	11	1
20	“Наврўз”	ИСЛОМ КАРИМОВ	Номсиз кўча	12	8
21	“Дўстлик”	ИСЛОМ КАРИМОВ			
22	“Санчиқул”	ИСЛОМ КАРИМОВ			
23	“Почвон”	ИСЛОМ КАРИМОВ			
24	“Хўжабаланд”	ИСЛОМ КАРИМОВ			
25	“Гулобод”	ИСЛОМ КАРИМОВ			
26	“Сўфи”	ИСЛОМ КАРИМОВ			
27	“Мўғол”	ИСЛОМ КАРИМОВ			
28	“Санчиқул”	КАМОЛОТ	Номсиз кўча	13	1
29	“Сой гузар”	КЎКСАРОЙ	Номсиз кўча	14	1
30	“Нисбот”	МАҲАЛЛА	Номсиз кўча	15	1
31	“Камангарон”	МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ	Номсиз кўча	16	1
32	“Андак”	МАДАНИЯТ	Номсиз кўча	17	2
33	“Гулистон”				
34	“Узунсой”	ПАРВОЗ	Номсиз кўча	18	1
35	“Вағашти”	РЎДАКИЙ	Номсиз кўча	19	1

36	“Бекравот”	**СЕРҚУЁШ**	**Номсиз кўча**	20	1
37	“Ипак йўли”	**СОЙ БЎЙИ**	**Номсиз кўча**	21	1
38	“Мерганча”	**ТАРАҒАЙ БАҲОДИР**	**Номсиз кўча**	22	1
39	“Сўфи”	**ФЕРУЗ РАҲИМХОН**	**Номсиз кўча**	23	1
40	“Тинчлик”	**ХИСЛАТ**	**Номсиз кўча**	24	1
41	“Камангарон”	**ХОЖА АҲРОРИ ВАЛИ**	**Номсиз кўча**	25	1
42	“Ватак”	**САККОКИЙ**	**Номсиз кўча**	26	1
43	“Алгар”	**ШУКРОНА**	**Номсиз кўча**	27	1
44	“Пастки Калангар”	**ФУРҚАТ**	**Номсиз кўча**	28	2
45	“Катта Торинжак”	**ФУРҚАТ**			
46	“Мазортепа”	**ЎЛМАС ЖАМОЛ**	**Номсиз кўча**	29	1
47	Аълохотин (Янгиобод)	**ФАРОВОН**	**Имон кўчаси**	30	1

Тумандаги Қонун талабларига зид бўлган аҳоли пунктларини номларни ўзгартириш тўғрисида МАЪЛУМОТ

Т/р	**Маҳалла номи**	**Аҳоли пункти номи**	**Собиқ аҳоли пункти**
1	"Аълохотин" (Янгиобод)	**ФАРОВОН**	**Аълохотин**
2	"Бекравот"	**МИНГЛАР**	**Замбарак**

Тумандаги Қонун талабларига зид бўлган маҳалла фуқаролар йиғини номини ўзгартириш тўғрисида МАЪЛУМОТ

Т/р	**Маҳалла номи**	**Янги номи**
1	"Сатанг"	**ИСПАНЗА**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
URGUT TUMAN ADLIYA BO'LIMI
141600, Urgut shahri, Navoiy shox ko'chasi, 120-uy, tel: (998 66) 483-01-46
el. pochta: urgut-t@adliya.uz, urgutab@exat.uz

2020 йил “14” 04 **№ 7/390**

Ургут тумани ҳокими
М.М.Турдиевга

2020 йил 1апрелдаги
10-01/252-сон хатга

Ургут тумани адлия бўлими томонидан Халқ депутатлари Ургут тумани Кенгашининг ““Ўзбекистон Республикаси “География объектларнинг номалри тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ургут тумани худудидаги махалла фуқаролар йиғинларидаги кўчаларга ва аҳоли пунктларига янги ном бериш ҳамда махалла фуқаролар йиғини номини ўзгартириш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлигини билдиради.

Ушбу қарор қабул қилингандан сўнг, **расмий нашрда эълон қилиниши**, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь)га мувофиқ **3 кун** ичида давлат ҳисобига олиш учун қоғоз ва электрон шаклларда адлия бўлимига тақдим қилиниши ҳамда **ҳокимликнинг веб-сайтида жойлаштирилиши** лозим.

Илова: хулоса ва қарор лойиҳаси ___ варақда

Бўлим бошлиғи **Н.Муминов**

Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Ургут тумани адлия
бўлими бошлиғи
Н.Муминов

Ургут тумани адлия бўлими томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан
Х У Л О С А

2020 йил 14 апрель Ургут шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг (янги таҳрири) 18-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сон қарори талабига асосан Халқ депутатлари Ургут тумани Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси “Географик объектларнинг номалри тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ургут тумани худудидаги махалла фуқаролар йиғинларидаги кўчаларга ва аҳоли пунктларига янги ном бериш ҳамда махалла фуқаролар йиғини номини ўзгартириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда қуйидагилар

АНИҚЛАНДИ:

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 октябрдаги ЎРҚ-303-сонли “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2011 йил 16 октябрдаги 295-сонли “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Фонунига мувофиқ Географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақидаги қарори мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Қонуннинг 9 моддасига кўра, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш туманлар ҳокимларининг таклифига кўра халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан амалга оширилади деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган идора қабул қилинган норматив тусдаги хужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритади ва уларнинг амал қилишини тўхтатиб туради ҳамда тугатади.

Тақдим этилган қарор лойихаси Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига, аҳоли ўртасида мухокама қилиш учун чиқарилган.

Қарор лойихаси умуммажбурий аҳамиятга эга бўлиб, амалдаги Қонун хужжатларига зид эмас ва қонунчилик техникаси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Ушбу лойихада коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этилиши учун шароит яратилмаган, шунингдек тадбиркорлар учун асоссиз харажатлар қилишга, ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган, хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини чекловчи нормалар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга биноан, туман ҳокимининг норматив-ҳуқуқий хусусиятига эга бўлган қарор лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича:

ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:

Халқ депутатлари Ургут тумани Кенгашининг ““Ўзбекистон Республикаси “Географик объектларнинг номалри тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ургут тумани худудидаги махалла фуқаролар йиғинларидаги кўчаларга ва аҳоли пунктларига янги ном бериш ҳамда махалла фуқаролар йиғини номини ўзгартириш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилганлиги ва конунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

Мазкур хулоса юзасидан тегишли хат маълумот учун туман ҳокимлигига юборилсин.

Бўлимнинг бош маслаҳатчиси **Х.Тўлаев**